# ВАКИЛЛИК ОРГАНИ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 138 (9.330) 1999 йил 26 ноябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ, «АДОЛАТ» ВА «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯЛАРИ ҚУРУЛТОЙЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли ватандошлар!

Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида, сиёсий партиялар қурултойларида менинг номзодим бўлажак сайловларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилгани учун чин юракдан самимий миннатдорлигимни билдираман.

Сизларнинг бу юксак ишончингиз менга куч-ғайрат бағишлаши билан биргаликда зиммамга катта масъулият юклашини ҳам чуқур ҳис этаман.

Бундан буён ҳам бағри кенг ва танти халқимизнинг менга боғлаётган орзу-умидларини рўёбга чиқариш, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бахтли ва фаровон турмуш кечиришлари учун шароит яратиш, озод Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини изчил давом эттириб, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш йўлида ўзимнинг меҳнатим, билим ва тажрибамни аямайман.

Озод ва обод Ватан барпо этишдек эзгу, муқаддас ниятга эришиш йўлида қилаётган бунёдкорлик ишларингизда барчангизга зафарлар тилайман.

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти.***

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2000 йил 9 январь — Президент сайловлари куни. Аввал хабар берганимиздек, «Фидокорлар», «Адолат», «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сессияларида бўлажак сайловларда Президентликка Ислом Каримов номзоди кўрсатилган эди. Марказий сайлов комиссиясидан олинган хабарларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бўлажак сайловларда Фидокорлар миллий-демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга ўз розилигини билдирган. Шунингдек, Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойлари қатнашчиларига ўз номзодини Президентликка кўрсатганликлари учун самимий миннатдорлик изҳор этган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз қурултойида мазкур партия биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўрсатган эди. Абдулҳафиз Жалолов бўлажак сайловларда Халқ демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга розилик берган.

24 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

### ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. А. Каримов**нинг Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси**
**Н. КОМИЛОВ.**

Тошкент, 1999 йил 24 ноябрь.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

### АБДУЛҲАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси биринчи котиби, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори **А.М. Жалолов**нинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси**
**Н. КОМИЛОВ.**

Тошкент, 1999 йил 24 ноябрь.

Шунингдек, мажлисда кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи айрим округ сайлов комиссиялари таркибларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан Тошкент шаҳридаги 20-Шайхонтоҳур ва Наманган вилоятидаги 85-Тўрақўрғон округ сайлов комиссиялари раисларининг ҳисоботлари ҳам тингланди. Округ сайлов комиссиялари зиммасига сайловолди ташвиқотини янада уюшқоқлик билан ўтказиш, номзодлар билан учрашувларнинг адолатли, тенг ва демократик тамойиллар асосида ўтказилиши учун шарт-шароит яратиш, сайлов участкалари фаолиятини янада жонлантириш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловларига тайёргарлик кўриш юзасидан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ахбороти тингланди.

Олий Мажлис сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённарини жойларда қабул қилиб олишни уюштириш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколатлари доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

## 1999 5 декабрь САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000 9 январь

*Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга* — **9** кун қолди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига* — **44** кун қолди

# УЛАР ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИЛАР

***Олий Мажлис депутатлигига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидан кўрсатилган номзодлар сайловолди дастуридан мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган жуда улкан, кенг миқёсдаги вазифалар ўрин олганлиги сир эмас.***

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини тараққий эттириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли маънавиятини ошириш каби долзарб вазифалар шулар жумласидандир. Ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзодлар сафларига назар ташлар эканмиз, улар орасида пойтахтимиз туманлари ҳокимлари, ўзининг аъло сифатли маҳсулотлари билан республикамиз ичида ва хорижда яхши танилган йирик корхоналар, ташкилотлар, илмий ва ўқув муассасаларининг раҳбарлари бор. Уларнинг ҳар бири кишилар билан ишлаш, кенг кўламдаги ва мураккаб ишларни амалга ошириш борасида катта ва қимматли тажрибага эгадир. Энг муҳими, Олий Мажлисдаги мукаммал ва том маънода ишлайдиган қонунлар яратиш ишида ушбу тажриба бутун мамлакатимиз ва унинг гўзал пойтахтининг фаровонлигини мустаҳкамлаш борасида жуда қўл келиши мумкин.

— Ўз овозимизни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилган кишиларга берсак, ўйлайманки адашмаймиз, — дейди Юнусобод туманидаги «Оқибат» маҳалласи оқсоқоли Марат ака Камолов. — Зеро улар ўз соҳалари, ўзларига юклатилган вазифалари юзасидан аҳолининг барча табақалари, айниқса оддий кишилар ташвиш ва эҳтиёжларини яхши тушунадилар. Ушбу номзодларнинг кўпчилигининг иш фаолияти билан яхши танишлигим сабабли ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзодлар ўз қатъияти, шижоати, ишбилармонлиги туфайли шаҳримиз равнақига салмоқли ҳисса қўшишларига ишонаман.

Дарҳақиқат, Олий Мажлисга Тошкент шаҳар Кенгашидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастурлари шундан далолат беради. Ўйлаймизки, айнан шундай номзодларни танлаб овоз берганлар асло ютқазмайди.



**Сергели туманидаги 312-сайлов участкасида сайловларга тараддуд қизғин олиб борилмоқда.**

**СУРАТДА: сайлов участкаси раиси ўринбосари Ҳасан Йўлдошев сайлов участкаси котиби Нилуфар Эргашева билан сайловчилар рўйхатини кўздан кечирмоқда.**

**Рустам Шарипов олган сурат.**

## *8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*




# АДОЛАТЛИ ҚОМУС МЕЗОНЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини байрам қилишимизга ҳам саноқли кунлар қолди.***

Шуни эътироф этиш жоизки, Республикамиз Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳаларда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Адолатли демократик жамият барпо этишнинг мустаҳкам асоси яратилди. Халқимиз миллий қадриятлари, урф-одатлари, маданий меросини асраб-авайлаб ўрганиш, уларни келгуси авлодларга етказишдек улкан имкониятларга эга бўлдик. Ҳар бир мамлакатнинг келажаги ва истиқболи унда қонун устуворлиги нечоғлик кафолатланганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, Конституция қоидалари асосида қабул қилинадиган Қонунлар жамият тараққиётининг асосий шарти, шу боис жамиятдаги ҳар бир шахснинг турмуш тарзи қонунга мувофиқ бўлиши лозим. Ўз навбатида қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилмоғи, уларнинг тинчлигини, эркинлигини, осуда ҳаётини таъминлаши шарт.

Мамлакатимизнинг асосий қомуси — Конституциямизнинг қабул қилиниши билан ҳуқуқий демократик жамият қуриш учун замин яратилди. Унинг демократик тамойиллари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, бошқарувнинг уч ҳокимиятга бўлиниши ҳамда ижтимоий, маданий, ҳуқуқий фаолияти жиҳатидан жаҳон андозаларига мос конституциялардан бири эканлиги тан олинди.

Мустақиллик туфайли биз халқимизнинг руҳига мос Конституциямизга, давлат тилимизга, ўз миллий қадриятимиз тикланишига, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга эга бўлдик. Мамлакатимизда ўтган қисқа вақт мобайнида иқтисодиёт, маданият, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда оламшумул ўзгаришлар юз берди.

Бугунги кун фуқаролари собиқ тузум давридагига нисбатан фикрлаш доираси, билим даражаси, дунёқараши, ҳуқуқий онги, маданияти, маънавияти бениҳоя ўсиб, ўзгариб бораётганлигини, сиёсий жараёнларда жадал иштирок этиб, муносабат билдиришини, Конституциямизнинг мукаммал эканлигини ва ҳуқуқий-демократик жамият қуришда аниқ йўналишда бораётганлигимизни кўрамиз.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, умумбашарий демократик қадриятларни камол топтириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантириш Асосий Қонунимизнинг бош мақсади этиб белгиланган. Бинобарин, давлат, жамият ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини мутаносиб равишда ҳимоя қилиш Конституциямизнинг асосий фазилати ҳисобланади. Конституциямизнинг моҳияти унда акс этган меъёрлар билангина эмас, балки уни амалга оширишга шарт-шароит яратиб бериш, Конституциянинг амалда қўлланиши билан белгиланади.

Конституциямизнинг демократик ҳуқуқий жамият қонунчилигига қўйиладиган барча талабларга тўла жавоб бериши, халқчиллиги, инсонпарварлиги жаҳоннинг жуда кўп қонуншунослари томонидан эътироф этилди. Бу эса мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутаётганлигини, унинг келажаги порлоқ эканлигини яна бир бор тасдиқ этади. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси Конституциямизда белгиланган ҳар бир моддага амал қилиш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини унутмаслиги шарт.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биз ўз Конституциямиз билан фахрланишимиз керак, чунки, фуқаролик ҳуқуқий демократик жамиятини қуриш борасида Қомусимизнинг барча моддаларининг моҳияти инсон манфаатлари учун хизмат қилишини яхши биламиз.

***Ғайрат АБДУҚОДИРОВ,***
***Тошкент Давлат юридик институти Назорат инспекцияси нозири.***

## *Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти*

### БУГУН

**биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партиясидан кўрсатилган ва ушбу партия кенгаши томонидан тақдим этилган айрим номзодлар ҳақидаги сайловолди ташвиқот материалларини, шу партиядан Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатини, партиянинг сайловолди дастурини, партиянинг Ватанимиз нуронийларига, хотин-қизларига, ёшларига, тадбиркорларига қарата мурожаатини, ушбу партия хусусида оддий одамлар билдирган фикр ва мулоҳазаларни ва бошқа ранг-баранг материалларни газетанинг 2-3-саҳифаларида ёритмоқдамиз.**

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 1999 йилнинг 21 ноябрида Қамчиқ довонида рўй берган табиий офат оқибатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Довонда қор кўчиши натижасида одамлар қурбон бўлди.

Қамчиқ довонида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, Тошкент — Қўқон автотрассасида йўл ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ҳукумат комиссияси тузилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати марҳумларнинг оила аъзолари, яқинлари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

*(ЎзА)*

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

### БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Бирлашган Араб Амирликлари Раас ал-Хайм Амири девонхонаси маслаҳатчиси доктор Аҳмад Жалол ал-Тадмурий Султон Жалолиддин Мангуберди ва «Алпомиш» эпосига бағишланган тантаналарга таклиф этилганлиги шарофати билан шуурини қамраб олган ҳайрат, чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғулари изҳор этилган мактуб йўллади.

◆ Тошкентда, Ўздавстандартда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларга штрих-код қўйиш масаласи юзасидан республика семинари ўтказилди.

◆ Республика Миллий матбуот марказида «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Комиллик калити» (Маънавиятдан ўзбекча-русча-инглизча луғат) ҳамда «Маърифат манзиллари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** пойтахтимиздаги маиший хизмат коллежида «Ўзбекистонда касб-ҳунар таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» Ўзбекистон — Германия лойиҳаси доирасида компьютер синфларини очиш маросими бўлди.

◆ Бухорода «Ҳозирги авлод — СПИДга қарши» шиори остида илмий-амалий конференция ўтказилди.

◆ **Бугун** Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театри биносида театр ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишланган маросим ўтказилди.

◆ Ўзбекистон терма жамоаси 28 ноябрдан 3 декабргача Сингапурда ўтказиладиган каратэ бўйича Осиё чемпионатида қатнашиш учун жўнаб кетди. Ўзбекистонлик 10 нафар спортчимиз 30 дан ортиқ Осиё мамлакатларининг энг кучли каратэчилари қаторида ғолиблик учун беллашади.

## ЖАҲОНДА

◆ **Бугун** Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Туркияга ташриф билан жўнаб кетди. Бу ерда у янги тиббиёт марказининг очилиш маросимида қатнашади. Шунингдек, ушбу ташриф Ҳайдар Алиевнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар билан боғланган, деган фикрлар билдирилмоқда.

◆ Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Хитойга ташрифи якунида этник айирмачиликка қарши биргаликда кураш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ерда гап биринчи навбатда Хитой — Қозоғистон чегараси ҳудудида истиқомат қилувчи уйғурлар ҳақида кетмоқда.

◆ **Кеча** Москвада Россия ва Румыния Бош вазирлари В. Путин билан Р. Василе ўртасида музокаралар ўтказилди. Унда икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

◆ Испания пойтахти Мадрид шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Пахта» нефть маҳсулотлари корхонасини «Сифат учун Халқаро Платина юлдузи» билан мукофотлашга қарор қилинди ва ушбу мукофот шу ерда тантанали равишда топширилди.

◆ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Москва яқинидаги «Горки — 9» қароргоҳида «Вирус инфекцияси ва кучли бронхит» ташхиси билан шифокорлар назорати остида турибди.

◆ **Бугун** Хитой Халқ Республикаси Бош вазири Чжу Жунцзининг Сингапурга ташрифи бошланади.

◆ Ғазо сектори яқинидаги ал-Минтар назорат масканида Исроил ва Фаластин хавфсизлик хизмати раҳбарлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

◆ **Бугун** Покистонда исёнда ва генерал Парвез Мушарраф ичида бўлган самолётни қўндиришга хоҳиши бўлмаганликдаги айб билан мамлакатнинг собиқ бош вазири Навоз Шариф суд олдида жавоб бериши керак.

◆ **Кеча** Белградда Сербия раҳбарияти ва мухолифатининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда бўлғуси умумий сайловлар ҳақида сўз борди.

◆ Жанубий Кореянинг пойтахти Сеулда дзюдо бўйича анъанавий халқаро «KOREA-OPEN» турнири ниҳоясига етди. Унда 40 та давлатдан қатнашган 150 спортчи орасида тўрт нафар ўзбекистонлик дзюдочи ҳам бор эди. Ўзбекистонлик Алишер Мухторов унда бронза медалини қўлга киритди.

◆ **Кеча** футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма командаси Бирлашган Араб Амирликлари пойтахтида 2000 йилда Ливанда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларининг навбатдаги учрашувида Ҳиндистон терма командаси устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

◆ **Эртага** Ўзбекистон миллий терма командаси ҳал қилувчи учрашувда мезбонлар — Бирлашган Араб Амирликлари терма командасига қарши майдонга тушади.

◆ Хитой жамоат хавфсизлиги органи томонидан жиноятчиликка қарши ўтказилган махсус тезкор тадбирлар сабаб, уч ой ичида қидирувда бўлган 230 минг нафардан ортиқ жиноятчи ҳибсга олинди.



Дунёнинг қайси бир қитъасида яшайдиган қуш юксак парвоз қилишни, анвойи гулни хуш кўрмайди дейсиз! Ушбу саҳифада тасвирланган, ўзининг илк баҳорида ғунча янглиғ куртак ёзган Фидокорлар Миллий демократик партияси рамзидаги Ҳумо қуши ҳам бундан асло мустасно эмас. Бинобарин, Шарқда қадимдан Ҳумо қушини озодлик, ҳурлик, адолат рамзи деб билганлар. Фидокорлар партиясининг адолат курашчилари, инсон қадр-қимматини улуғловчи партия сифатида фаолият кўрсатаётгани ибратомуз халқимиз хоҳиш-иродасидир.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФИДОКОРЛАР ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

**1-Саноат сайлов округи**

**Джавхаров Миргияз Насритдинович,** 1949 йилда туғилган, «Мириум Ҳаёт» бирлашмаси бош директори

**2-Октепа сайлов округи**

**Абдусаматов Анвар Абдулатипович,** 1966 йилда туғилган, Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси урология бўлими мудири

**3-Акмал Икромов сайлов округи**

**Исматова Мавлюда,** 1943 йилда туғилган, Юнусобод тумани 273-мактаб директори

**4-Бектемир сайлов округи**

**Ходжаев Юлдашходжа Усманович,** 1948 йилда туғилган, Бектемир туман «Маҳалла» жамғармаси раиси

**5-Дархон сайлов округи**

**Акрамов Акмал Маҳмудович,** 1955 йилда туғилган, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири

**6-Мирзо Улуғбек сайлов округи**

**Перпер Михаил Маркович,** 1959 йилда туғилган, «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетасининг бош муҳаррири

**7-Тракторсозлар сайлов округи**

**Ҳакимов Рашид,** 1958 йилда туғилган, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори

**8-Миробод сайлов округи**

**Попадюк Никита Кириллович**, 1953 йилда туғилган, Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш маркази директори

**10-Чуқурсой сайлов округи**

**Касимов Рустам Саидович,** 1951 йилда туғилган, «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компанияси ва Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акционерлик жамияти бош директори

**11-Собир Раҳимов сайлов округи**

Закиров Фурқат Шакирович, 1959 йилда туғилган, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали бош муҳаррири

**12-Қорақамиш сайлов округи**

**Далимов Тўрабек Нугманович,** 1936 йилда туғилган, Тошкент Давлат университети ректори

**13-Сергели сайлов округи**

**Убайдуллаев Батир Хусанбаевич,** 1958 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти «Умид» жамғармаси директори муовини

**14-Қўйлиқ сайлов округи**

**Мирбабаев Баҳодир Анварович,** 1962 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи

**16-Самолётсозлар сайлов округи**

**Насиров Шухрат Марсович,** 1958 йилда туғилган, «Фаровон» савдо уйининг директори

**17-Дўмбробод сайлов округи**

**Мирходжаев Зайнутдин Сайфутдинович,** 19[illegible] йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи

**18-Чилонзор сайлов округи**

**Ахмедов Дурбек Қудратиллаевич,** 1963 йилда туғилган, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори

**19-Мевазор сайлов округи**

**Рахимбеков Рустамбек Рахманбекович,** 19[illegible] йилда туғилган, «Ипак йўли» акционерлик инновация-тижорат банки бошқаруви раиси

**20-Шайхонтоҳур сайлов округи**

**Ходжаев Баходир Асадуллаевич,** 1954 йилда туғилган, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори

**21-Оқлон сайлов округи**

**Азларов Тургун Рахматович,** 1953 йилда туғилган, Тошкент Ислом университети «Информатика ва табиий фанлар» кафедраси мудири вазифасини бажарувчи

**25-Яккасарой сайлов округи**

**Акбарова Лазиза Аскаровна,** 1944 йилда туғилган, «ТАРХ» илмий ишлаб чиқариш акционерлик жамияти Кузатув кенгаши раиси

# ХАЛҚИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛАЙЛИК!

FMD PARTIYASI

## БИЗ ФИДОЙИЛАРГА ИШОНАМИЗ!

• **Озода МУСАЕВА, тадбиркор:**

— Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси энг ёш партиялардан бири бўлишига қарамай тез халқ орасига кириб бора олгани, ўз атрофига ҳақиқий фидойиларни тўплаётгани, уларнинг «Халқимиз, миллатимиз дардига дармон бўлайлик!» деган даъвати билан кўпчиликнинг эътиборини қозониб бормоқда. Ушбу партиянинг сайловолди дастуридан ўрин олган «Партия хусусий мулк дахлсизлигини, унга эгалик туйғуси муқаддаслигини ҳамиша ҳурмат қилади» деган жумлалар ва тадбиркорликни ва айниқса ўрта ва кичик бизнесни иқтисодий тараққиётининг асоси деб ҳисоблаш ҳақидаги фикрлари биз тадбиркорларга ниҳоятда маъқулдир.

• **Фарида ОЧИЛОВА, кўп болали она:**

— Номидан ҳам маълумки, мустақил Ўзбекистонимиз истиқболи, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик, жасорат кўрсатишга қодир бўлган инсонларни бирлаштирган энг ёш партиялардан бири деб биламан. Энг қувонарлиси унинг сафлари тобора оловқалб ёшлар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Шуни қувонч билан айта оламанки, аёлни эъзозлаганлар доимо эъзоз топади. Ушбу партия ҳам аёлни она, тарбиячи, миллатнинг келажагини белгиловчи ёш авлод мураббийси деб билади, хотин-қизларнинг Ватан, миллат тараққиётини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайди.

• **Беҳзод УСМОНОВ, талаба:**

— Фидокорлар Миллий демократик партияси ўтган қисқа вақт ичида ёш йигит-қизларни ўз атрофига жипслаштира олди. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, улар ўсиб келаётган авлодни ўтмишга ҳурмат ва келажакка чуқур ишонч руҳида тарбиялашда ўз масъулиятини теран англаб етади. Мен ҳам келажакда бу партияга аъзо бўлиб, юртим камолига муносиб улушимни қўшаман, албатта.

• **Исмоилжон ЁҚУБОВ, пенсионер, 72 ёшда:**

— Қани энди ёшариб қолсаму Фидокорлар партияси сафига қўшилсам дейман. Уларнинг ушбу кунларда олиб бораётган барча ишларини қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистонимизга мана шундай фидойилар, айниқса ҳозир жудаям зарур.

***Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.***

## ФИДОКОРЛАР ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

**1. Қонун устуворлигини таъминлаш**

***Қонун олдида ҳамма баробар. Биз яккаҳокимликни қонун устуворлигини таъминлашдаги энг асосий тўсиқ деб биламиз. Чунки яккаҳокимлик адолатсизлик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, тўрачилик ва порахўрликни келтириб чиқаради.***

***Биз суд ҳокимиятининг тўлиқ мустақил бўлиши, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам холисона иш олиб бориши, адвокатлар ролининг кучайиши учун курашамиз. Чунки жамоатчилик назоратини ўрнатиш бевосита судьяларнинг мустақил фаолият кўрсатишига боғлиқ.***

***Ижроия ҳокимиятининг, ҳокимликларнинг халқ ноиблари олдида тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беришини, ҳукуматнинг эса Олий Мажлис олдида ҳисобот беришини йўлга қўйиш учун партиямиз мавжуд салоҳиятни амалда қўллайди.***

**2. Хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва мулкка эгалик туйғусини мустаҳкамлаш**

***Тадбиркорнинг, фермер ва деҳқоннинг ўзи етиштирган маҳсулотнинг ҳақиқий хўжайини бўлиши, маҳсулот таннархини ўзи белгилаши, адолатли бозорда эркин нархда сотишини кафолатловчи муҳит юзага келиши учун партия ҳаракат қилади. Биз улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, ўз маблағларидан эркин фойдаланишига тўсқинлик қилувчи чеклашларни йўқ қилиш учун курашувчи партиямиз.***

***Тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятини назорат қилувчи ва текширувчи турли давлат идораларининг ноқонуний ҳар бир аралашувига чек қўйиш, уларнинг бундай хатти-ҳаракатларига қарши кескин чоралар кўриш, жиноий жавобгарлигини кучайтириш партиямизнинг қонунчилик ва амалий фаолияти орқали амалга оширилади.***

***Партиямиз хўжалик юритувчиларнинг кредит олишлари, уларнинг банкдаги маблағларига тўлиқ эгалик қилиши, банк ва мижоз муносабатини тубдан ўзгартиришга албатта эришиш керак деб билади.***

***Биз тадбиркорларнинг ўз маблағларини яширмасдан хўжалик юритиши, умуман яширин фаолиятнинг юзага келмаслиги учун соддалаштирилган солиқ сиёсатини олиб бориш тарафдоримиз.***

***Биз валюта бозорларида барча фуқароларга, хўжалик субъектларига ўз фаолиятини юритишда тенг имкониятлар яратиб бериш учун кураш олиб борувчи партиямиз.***

**3. Янги иш ўринларини яратиш ва фаровон ҳаёт учун курашиш**

***Биз ишсизликка қарши курашишда қишлоқ ва маҳаллаларда, яъни яшаш жойларининг ўзларида кадрларни қайта ихтисослаштириш, меҳнат бозорларини юзага келтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқамиз ва улар маҳаллий бюджет томонидан молиявий таъминланиши учун ҳаракат қиламиз.***

***Биз халқимиз турмуш тарзини моддий жиҳатдан яхшилашда асосий эътиборни қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар даромадларининг харид қувватини оширишга қаратамиз.***

***Биз ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қисмига маблағлар ва молиявий ёрдамларни рационал тарзда ажратиш мақсадида унинг тартиби аниқ, муайян мезонлар асосида бўлиши ва тақсимланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши керак, деб ҳисоблаймиз.***

***Биз аёлларнинг дунёвий турмуш тарзини кечириш, уларнинг меҳнат шароитини енгиллаштириш, тадбиркорлик, айниқса, унинг кичик хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланишига қаратилган қонунларни яратишни мақсад қиламиз.***

**4. Эркин фикрловчи, комил ва фидойи инсон маънавиятини тарбиялаш**

***Фидокорлар партияси ҳақиқатга таянади ва унинг фаолияти айнан қонуний ҳимояланган ҳақиқатга асосланади. Биз ҳақиқатни айтиш орқали турмуш тарзимизда эркин фикрлаш жараёнини юзага келтирамиз, комил инсон маънавиятини шакллантирамиз ва фидойилик ғоясини тарғиб қиламиз. Чунки бу миллий юксалишимиз негизидир.***

***Бошқалар қобилияти, меҳнати ҳисобига дабдабали турмуш тарзини кечиришга одатланган маънавий қашшоқ инсонларни биз кескин қоралаймиз. Аҳолининг бундай шахсларнинг ишларига икки андозали муносабатда бўлиш каби қолипга тушиб қолган, миллий қадриятларимизга путур етказувчи иллатларни мавжуд ижтимоий психологиядан бутунлай йўқ қилиш тарафдоримиз.***

***Партиямиз миллий тикланишимиз, маънавий юксалишимиз учун миллати ва эътиқодидан қатъи назар мамлакатимиз ҳар бир фуқаросида «ўзбекистонлик» туйғусини шакллантириш керак, деб билади ва бу йўлда пухта сиёсат олиб бориш тарафдори.***

## Фидокорга овоз бер, дўстим!

*Биз дарёмиз, денгиз, уммонмиз,*
*Гоҳи сокинмиз, гоҳи бўронмиз.*
*Фидокормиз, аҳли Туронмиз,*
*Фидокорга овоз бер, дўстим,*
*Фидокорга бер овозингни.*

*Эл-юрт дарди дастуримизда,*
*Орзумизда, шууримизда,*
*Ўз эртангни кўрасан бизда,*
*Фидокорга овоз бер, дўстим,*
*Фидокорга бер овозингни.*

*Қонун бўлсин устувор десанг,*
*Элни десин ҳар инсон десанг,*
*Юрагимда ўтим бор десанг,*
*Фидокорга овоз бер, дўстим,*
*Фидокорга бер овозингни.*

*Мулк эгасин топган кунлар,*
*Ҳаром бойлик ўлган кунлар,*
*Ҳовуч нурга тўлган кунлар,*
*Фидокорга овоз бер, дўстим,*
*Фидокорга бер овозингни.*

*Ғурур билан кўкрак керайлик,*
*Иқбол сари дадил юрайлик!*
*Лоқайдликка барҳам берайлик,*
*Фидокорга овоз бер, дўстим,*
*Фидокорга бер овозингни.*

*Манқурт ё қул бўлмайман десанг,*
*Очилдиму сўлмайман десанг,*
*Келажакни қўллайман десанг,*
*Фидокорга овоз бер, дўстим,*
*Фидокорга бер овозингни.*

## Минбар

### Абдусаматов Анвар Абдулатипович



• ***Абдусаматов Анвар Абдулатипович, Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси урология бўлими мудири, 2-Оқтепа сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

Анвар Абдусаматовга биринчи саволимиз шундай бўлди:

**— Ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.**

— Жоним билан. 1966 йил 14 октябрда Тошкентнинг Эски шаҳарида, ҳозирги Собир Раҳимов туманида оддий ҳунарманд — зиёли оиласида туғилганман.

Менинг шифокор бўлишимда бувамнинг ҳиссалари катта.

Ўрта мактабда ҳам, институтда ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиб, ёшларнинг сардори бўлиб ишлаганман.

1989 йили институтни тугатиб, шифокорлик мутахассислигини олганман.

Ҳозир Тошкентдаги 1-шаҳар клиник касалхонасида «Бир кунлик урология стационари» бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмокдаман.

**— Айтингчи, депутатликка ўзингиз хоҳиш билдирдингизми ёки таклиф этишдими? Депутат этиб сайлансангиз, жамоат иши асосий ишингиз, шифокорлигингизга халақит бермайдими?**

— Депутатликка таклиф этганларида, элга фойдам янада кўпроқ тегиш имконияти туғилади-ку деб ўйладим.

Янгиланиш, тикланиш даврида, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида нима кўп, муаммолар, ечимини кутиб ётган масалалар кўп.

Меҳнатдан-ку қочмайман, эзгу ният йўлидаги меҳнатимни юзага чиқаришда парламентдан, депутатлик ҳуқуқимнинг фойдаси тегар деган ниятдаман.

**— Депутатларга илгаридагидек наказ берилмайди, ҳаракат қонунларини яратишда фаол қатнашса бас, деган қоидага муносабатингиз?**

— Наказ бермайди, деган сўз, сайловчилар дардидан, илтимосидан, эҳтиёжидан депутат узоқ бўлади, деган гап эмас деб тушунаман.

Сайловчиларнинг дардларини, таклиф-истакларини қонун орқали ечишда ҳал этувчи куч бўлиш деб биламан. Сайловчиларнинг парламентдаги вакили сифатида, уларнинг фикр-мулоҳазаларини давлат миқёсида ечимини топиш деб тушунаман.

Президентимиз атрофида маҳкамроқ жипслашиб, юртга хизмат қилиш деб биламан.

**— Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Оилалиман. Рафиқам Нодира Абдусаматова 1968 йилда туғилган. Олий маълумотли, акушерлик-гинекология илмий текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Ўғилларим — Эркин ва Бекзод ўрта мактаб ўқувчилари.

**— Келажакдаги режаларингиз.**

— Мустақилликнинг фидойиси, халқнинг чин фарзанди, сайловчиларнинг ишончини оқлаш...

### Насиров Шухрат Марсович



• ***Насиров Шухрат Марсович, «Фаровон» савдо уйининг директори, 16-Самолётсозлар сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

Шухрат Насиров раҳбарлик қилаётган «Фаровон» савдо уйи фаолиятининг бир қанча турлари қаторида, иқтисодий ночор корхоналар учун маслаҳат-консалтинг ёрдамини ҳам кўрсатиб боради.

Бир қарашда маслаҳат бериш билан оғриқ муаммоларни ҳал этиб бўлмайдигандек туюлади. Лекин Андижонда иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган, деярли банкротлик жари ёқасига келиб қолган Балиқчи нотўқима матолар фабрикаси қисқа вақт ичида ўзини иқтисодий-молиявий ўнглаб олишида, кредитор-дебитор қарзлардан қутулиб, эндиликда фойда ва даромад сари ишлаб кетганида маслаҳат-маркетингнинг ўрни беқиёс бўлди. Бу эса шунчаки оддий маслаҳат бўлиб қолмасдан, балки иқтисодий, ижтимоий-маиший, касбий масалаларни ўз ичига қамраб олган росмана бизнес-режа ҳужжати асосидаги маслаҳат эди.

«Фаровон» савдо уйи иқтисодий танг аҳволда қолган фабриканинг жонига оро киради. Унинг мутахассислари мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиб чиқишганидан кейин, корхонани «қайта тирилтириш» ишини менежментдан, яъни бошқарув тизимини ислоҳ қилишдан бошлашди. Бунинг учун корхона раҳбаридан фикрий уйғоқлик, ўзи бошқараётган хўжаликнинг дардини ўз шахсий дарди сифатида ҳис қилиш кўникмаси шакллантирилди. Аксарият корхона-ташкилотларга назар ташланса, у ерда маъмурий бинолар, айниқса бош раҳбар хонаси алланечук замонавий тарзда таъмирланганлигини, ишлаб чиқариш иншоотлари эса эскилигича қолганини кузатиш мумкин. Балиқчи фабрикасига ташриф буюрган «маслаҳатчи» мутахассислар эса ишни аксидан, яъни цех ва ишлаб чиқариш бўлимларини таъмирлашдан бошлашди. Меҳнаткашларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида фабрикада ишчилар кийимхонаси, душ, шинамгина ошхона, ҳордиқ олиш ҳамда маънавият-маърифат хоналари барпо этилди. Нотўқима матолар фабрикасининг асосий ишчи кучини аёллар ташкил этгани учун бу ерда хотин-қизлар кенгаши фаолияти янада жонлантирилди. Аёллар муаммосига ҳамдард бўла оладиган мутахассислар ишга жалб этилди.

Фабрикани оёққа турғазиш бўйича «Фаровон» ишлаб чиққан бизнес-режага биноан иккинчи масала сифатида ишчи-ходимларнинг малакасини оширишга катта урғу берилди.

«Фаровон» диққат-эътиборини қаратган учинчи масала маркетинг соҳасидир. Зеро, таъминот ва тақсимот бозорини ўрганмай туриб, иқтисодий фаолият юритиш бозор шароитида саробга етаклайдиган бирдан бир йўл ҳисобланади. Маркетинг тадқиқотлари жараёнида эса янги ҳамкорлар, янгича буюртмалар учун қўшимча имконият уфқлари очилади. Худди шундай ҳам бўлди. Корхонани хом ашё билан таъминлаш, тайёр маҳсулотларга харидор топиш жараёнида Германия, Жанубий-шарқий Осиё, МДҲ мамлакатларидан янги мижозлар таркиби шакллантирилди.

Балиқчи нотўқима матолар фабрикаси ана шу тадбиркорлик режаси асосида оёққа турғазилди.

Ҳозир биз самарали меҳнат, фидокор меҳнаткашлар қадрланаётган ажойиб даврда яшаяпмиз. Одамлар жамиятга берган куч-ғайратингизга қараб сизга баҳо беришади. «Фаровон» савдо уйининг директори Шухрат Насиров иқтисодий маконда ўз ўрин-мавқеини топиб олган инсонлардан ҳисобланади. У 1958 йили Тошкентда туғилган. Тошкент Давлат университети Шарқ факультетининг араб бўлимида тахсил олган. Узоқ йиллар араб мамлакатларида таржимон, иқтисодчи, ҳуқуқшунос мутахассисликлари бўйича фаолият юритган. Унинг янгиликларни тез илғаб олувчи шуури мустақил республикамизнинг ислоҳот одимларида янада кенг қулоч ёйди. Хусусан, Ш. Насировнинг сайъ-ҳаракати билан ташкил этилган «Ўзбек ксерографик системалар» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси юртимиз шароитида илк қалдирғочлардан ҳисобланади.

— Мен доимо эркин, ҳалол меҳнатни қадрлаб келаман, — дейди Ш. Насиров. — Киши ўзининг эркин, ижодий ёндошиб бажарган ҳалол меҳнати учун муносиб тақдирланиши лозим. Юқоридаги хизматларим, қолаверса, умуман онгли фаолиятимда устозларимдан миннатдорман, — дейди Ш. Насиров.

***Нодир АЛИМОВ.***

### Мирходжаев Зайнутдин Сайфутдинович



• ***Мирходжаев Зайнутдин Сайфутдинович, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи, 17-Дўмбробод сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

Зайнутдин Сайфутдинович Мирходжаев Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида у ташкил топган дастлабки кунлардан бошлаб ишлаб келаётган мутахассис, ташкилотчи ва раҳбарлардан бири. Банкнинг эришаётган ютуқларида ҳеч шубҳасиз, унинг ҳам муносиб, айтиш мумкинки, салмоқли ҳиссаси бор. Бу ердаги фаолиятини оддий иқтисодчи сифатида бошлаган ёш иқтидорли ходим кўп ўтмай, банкнинг бош операция бўлими бошқарувчиси лавозимига кўтарилди. 1997 йилдан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаб, ўтган йилнинг октябрь ойида ўзи ишлаган миллий банкка раҳбар вазифасини бажарувчи бўлиб қайтди.

— Банкимиз 8 йил мобайнида, — деб ҳикоя қилади Зайнутдин Сайфутдинович, — 546 миллиард АҚШ долларига тенг қийматга эга бўлган 157 та йирик лойиҳани молиялади. Улар орасида Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, «Самқочавто», «Кобул-Тўйтепа» қўшма корхоналари, «Фарғона-Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва республикамиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этган бошқа кўплаб лойиҳалар шулар жумласидандир.

Маълумки, банк тизимининг йирик ташкилотчиларидан бири бўлган З. Мирходжаевдан сайловолди дастурига кирган муҳим тадбирлар ҳақида ҳикоя қилиб беришини илтимос қилдик.

— Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартиришларни изчил давом эттириш муҳим стратегик вазифалардан деб ҳисоблайман, — деб жавоб қилди Зайнутдин Сайфутдинович. — Илмий-техникавий, пул-кредит, ташқи иқтисодий сиёсат, хусусийлаштириш ҳамда бошқа таркибий ўзгаришларнинг ҳаммаси ана шу мақсадга бўйсундирилиши керак. Мақсадли умуммиллий дастурлардан фаол таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишнинг асосий омили сифатида фойдаланиш зарур деб ҳисоблайман. Улар асосида давлат ва тадбиркорларнинг мувофиқлаштирилган манфаатлари ётиши керак. Дастурлар рўйхати ва уларни молиялаштириш ҳажмлари давлат бюджетига киритилиши ҳамда Олий Мажлисда Қонун йўли билан тасдиқланиши лозим.

Яна умуман иқтисодиётнинг самарадорлигига боғлиқ бўлган ҳамда хусусий капиталнинг жалб этилиш эҳтимоли ғоят кам бўлган секторлар таркибий ўзгаришлар сиёсатининг биринчи навбатдаги объектлари бўлиб қолиши керак. Транспорт ва ахборот инфратузилмаси, коммуникация объектлари, ақлий меҳнатни талаб қилувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, ресурсларни тежаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза этиш дастурларини улар сирасига киритиш мумкин.

З. Мирходжаев мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банклар аҳамиятини, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, улар барча иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда етакчи локомотив ролини бажариши кераклигини алоҳида таъкидлади.

***Саид ВАЛИЕВ.***

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФИДОКОРЛАР ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАЙЛИК!

## ВАТАНИМИЗ НУРОНИЙЛАРИГА!

Қадрли отахонлар, меҳрибон онахонлар!

Сизлар заҳматли йўлларни босиб ўтган, курашларда тобланган фидокор авлод вакилларисиз. Ҳар соҳада тўплаган тажрибаларингиз, ўгитларингиз биз навқирон авлод учун ҳамиша амалий дастур бўлиб хизмат қилади.

Азалий орзу-умидларимиз рўёбга чиқиб, мамлакатимизда мустақиллик тантана қилди. Сизларнинг давомчиларингиз — биз навқирон авлоднинг эндиги вазифаси ана шу мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчликни муҳофаза қилиш, халқимиз фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Қарияларимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш сиёсатини қўллаб-қувватлаш, уни янада такомиллаштириш — Ўзбекистон ФИДОКОРЛАР Миллий демократик партиясининг бош мақсадларидан биридир.

ФИДОКОРЛАР партияси нуронийларимизнинг доимий таянчи, уларнинг қадр-қимматини улуғловчи партиядир!

## ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА!

Мунис онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Ҳаётда Сиз аёлларнинг нозик елкангиздаги юк салмоғи тоғлардан ҳам залворлироқдир.

Сизлар аввало меҳрибон онасизлар! Оқ ювиб-оқ тараётган фарзандларингиз камолидан безовта қалбсиз. Улар жамиятда ўз ўринларини топиши, Ватанига, халқига садоқат билан хизмат қиладиган фидойи инсонлар бўлиб етишишини жуда-жуда истайсиз. Умид билан оёққа қўйган жигарларингиз бировдан кам бўлмасин, безавол камол топсин, дейсиз.

Сизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнингиз ҳам беқиёс... Бир сўз билан айтганда, тоғ келса кемириб, сув келса симириб яшаётган, Барчиною Тўмарислар авлоди — фидокор ўзбек аёлларисиз!

Сиз ҳаётингиздаги муҳим синов арафасида турибсиз. Ўйланг, фикр қилинг! Мамлакатимиз ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА Сиз депутат этиб сайлаётган номзод ҳақиқий маслакдошингиз, фидокор инсон эканлигига яна бир бор амин бўлинг!

## ЁШЛАРИГА!

Азиз ёшлар!

Сиз XXI асрга уйғоқ шуур, қайноқ қалб билан кириб бораётган сафимиздаги навқирон авлодсиз!

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшиш Сиз билан бизнинг муқаддас бурчимиздир!

Азиз замондошлар!

Сиз катта бир имконият — мамлакат ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА сайлов арафасида турибсиз.

Олий Маслак йўлида ўз йўлдошларингизни танлашда адашманг!

Сиз Ватаннинг чинакам фидокори сифатида ФИДОКОРЛАР Миллий демократик партияси билан ҳамкор, ҳаммаслак бўлиб, ўз тақдирингиз, ўз келажагингизнинг бунёдкори бўлиб сиёсат майдонида ўзлигингизни намоён этинг!

## ТАДБИРКОРЛАРИГА!

Ватанимизнинг азиз, фидойи тадбиркорлари!

Ўзингизнинг уддабуронлигингиз, топқирлигингиз билан мамлакатимизда олиб борилаётган бозор муносабатларини шакллантириш сиёсатини ўз вақтида, биринчилардан бўлиб англаб етдингиз.

Эндиликда чинакам тадбиркорлик билан шуғулланаётган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқаётган мулкдорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Сизлар мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қувватини ошириш учун қаттиқ бел боғлаган фидойиларсиз! Сиз буни амалдаги меҳнат фаолиятингиз билан исботлаётган қудратли куч эканингизни тобора англаб боряпсиз!

Бажараётган ишларингизни янада ривожлантириш, олдингизга қўйган эзгу мақсадларингизга эришиш осон кечмаётганини ҳам кўриб турибсиз.

Сизларнинг ҳуқуқий дахлсизлигингизни таъминлаш, олий мақсадларингиз йўлида ФИДОКОРЛАР Миллий демократик партияси Ватанимизда таркиб топаётган мулкдорлар синфини қўллаб-қувватлаб, «Эркинлик, ҳалол меҳнат ва хусусий мулк» шиори билан майдонга чиққан сиёсий кучдир!

XXI асрга катта умид ва ишонч билан дадил интилаётган Ватанимиз тараққиётига сидқидилдан хизмат қилишдаги ғояларимиз ҳам, мақсадларимиз ҳам муштараклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти.

Муҳтарам тадбиркор биродарлар!

ОЛИЙ МАЖЛИСГА ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА сайлов арафасида ўз мақсадларингизни яна бир бор аниқлаштириб олинг! Қўлни қўлга бериб, фидокорона меҳнатимиз билан Ватан истиқболига хизмат қилайлик!

Буюк келажакни бизга биров қуриб бермайди. Уни ўзимиз, ўз меҳнатимиз билан бунёд этмоғимиз лозим!

* * *

ФИДОКОРЛАР партияси — эркинлик, ҳалол меҳнат ва хусусий мулкни қувватлайди.

Меҳнатингиздан манфаатдор бўлишни ўрганинг, манфаатдорликнинг манбаи эса хусусий мулк.

Жамиятда қонун устувор бўлмаса, тартиб-интизом бўлмайди, тартиб-интизом бўлмаган жойда осойишталик бўлмайди.

Буюк келажакни бизга биров қуриб бермайди, уни ўзимиз, ўз фидокорона меҳнатимиз билан бунёд этмоғимиз лозим.

ФИДОКОРЛАР партияси — ҳалол меҳнат билан солиқларни ўз вақтида тўлаб, бойиётган инсонларнинг тарафдори.

ФИДОКОРЛАР партияси — жамиятда порахўрлик, тўрачилик, таниш-билишчилик ва бошқа иллатларнинг илдиз отишига қарши муросасиз курашадиган партия.

ФИДОКОРЛАР партиясининг асоси — ўзаро ишонч, ғайрат ва амалий фаолият.

ФИДОКОРЛАР партияси — нуронийларнинг доимий таянчи, уларнинг қадр-қимматини улуғловчи партия.

ФИДОКОРЛАР партияси — жамиятни демократлаштириш гарови!

ФИДОКОРЛАР партияси — адолат курашчилари.

Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партияси.

### Акмал Икромов тумани

**1-Мақсуд Шайхзода сайлов округи**
**Хайитов Шавкат Санакулович,** 1956 йилда туғилган, «Гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**2-Шодлик сайлов округи**
**Ризаев Азат Сагатович,** 1939 йилда туғилган, А. Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институти кафедра мудири

**3-Абдулла Қодирий сайлов округи**
**Исамитдинов Дильшод Ядгарович**, 1966 йилда туғилган, «Шахсанам-Д» хусусий корхона бош раҳбари

**5-Ойбек сайлов округи**
**Ибрагимов Акромхон,** 1954 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси

**6-Чўпон ота сайлов округи**
**Юсупалиев Абдулла Абдукадирович**, 1947 йилда туғилган, «Аланга монтаж» махсус қурилиш хусусий фирмасининг бош директори

**7-Қози Гузар сайлов округи**
**Джавхаров Миргияс Насритдинович,** 1949 йилда туғилган, «Мириум-ҳаёт» бирлашмаси бош директори

### Бектемир тумани

**8-Сувчи сайлов округи**
**Ходжаев Юлдашходжа Усманович,** 1948 йилда туғилган, Бектемир тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси

### Мирзо Улуғбек тумани

**9-Салор сайлов округи**
**Киличев Хайрулла Отамурадович,** 1973 йилда туғилган, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти «Қурилиш механикаси» кафедраси ассистенти

**10-Бўз сайлов округи**
**Джаббаров Анвар Джуманиязович,** 1954 йилда туғилган, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси раҳбари

**11-Академик сайлов округи**
**Бутаев Улуғбек Кузибаевич,** 1965 йилда туғилган, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари

**13-Гулшан сайлов округи**
**Ханов Нодирхон Масудович,** 1963 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки Тошкент шаҳар бўлим бошқарувчиси

**14-Интизор сайлов округи**
**Азизов Шавкат Султанович,** 1960 йилда туғилган, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси катта муҳаррири

**15-Феруза сайлов округи**
**Лутфуллаев Хикматулла Сагдуллаевич,** 1946 йилда туғилган, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори

**16-Хумоюн сайлов округи**
**Хакимов Рашид,** 1958 йилда туғилган, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори

### Миробод тумани

**17-Мингўрик сайлов округи**
**Гулямов Марат Ўрунбаевич,** 1940 йилда туғилган, Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бош мутахассиси, Аброр Ҳидоятов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳар оқсоқоллар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

**18-Темир йўл сайлов округи**
**Анваров Мирзаолим Адилович,** 1949 йилда туғилган, Ўзгипсервис ташқи савдо хўжалик ҳисобидаги марказнинг бош директори

### Собир Раҳимов тумани

**21-Қорасарой сайлов округи**
**Иргашев Абдухалим Фаттахович,** 1960 йилда туғилган, «Ўздастгоҳасбобускуна» савдо акциядорлик жамияти бош директор ўринбосари, техтаъминсервис директори

**22-Иброҳим ота сайлов округи**
**Кучқоров Вахоб Хошимович,** 1963 йилда туғилган, ТошДУ қошидаги гимназия катта ўқитувчиси

**23-Тансиқбоев сайлов округи**
**Икрамов Равшан Актамович,** 1968 йилда туғилган, Тошкент Давлат университети талабалар шаҳарчаси дирекцияси ётоқ бўйича директор ўринбосари

**24-Мирзо Ғолиб сайлов округи**
**Шаякубов Шахалил Каримович,** 1950 йилда туғилган, «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори

**25-Себзор сайлов округи**
**Набиходжаева Наргиза Усмановна,** 1967 йилда туғилган, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги тиббиёт билим юрти ўқитувчиси

**26-Беруний сайлов округи**
**Касимов Рустам Саидович**, 1951 йилда туғилган, «Матбуот тарқатиш» уюшмаси акциядорлик жамияти бош директори

### Сергели тумани

**27-Дўстлик сайлов округи**
**Ибрагимов Шавкат Муминович,** 1959 йилда туғилган, ТошДУ журналистика факультети қошидаги илмий услубий марказ директори

**28-Йўлдош сайлов округи**
**Шакиров Равшан Эркинович,** 1966 йилда туғилган, «Алкур» шўъба корхонаси тижорат директори

**29-Чоштепа сайлов округи**
**Худаёров Исматулло Нусратуллаевич**, 1964 йилда туғилган, «Халқ сўзи» газетаси парламент ва ҳокимликлар бўлими муҳаррири

**30-Қумариқ сайлов округи**
**Шагиязов Эркин Шохолматович,** 1958 йилда туғилган, Саноатқурилишбанки Сергели бўлими бошлиғи

### Ҳамза тумани

**31-Машинасозлар сайлов округи**
**Акрамова Мухлисахон Мансуровна,** 1960 йилда туғилган, «Файз-барака ММЛ» компанияси бош директори

**32-Содиқ Азимов сайлов округи**
**Азизов Мирхаким Жавхарович,** 1950 йилда туғилган, Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори

**33-Авиасозлар сайлов округи**
**Худояров Анвар Аиджанович,** 1962 йилда туғилган, «Буюк Турон диёри» МЧЖ директори

**36-Қурувчилар сайлов округи**
**Абдуқодиров Мирбаҳодир Мирабитович,** 1960 йили туғилган, «Тошмаргёғ» акционерлик жамияти маргарин заводи директори

### Чилонзор тумани

**37-Олмазор сайлов округи**
**Аҳмедов Дурбек Қудратиллаевич,** 1963 йилда туғилган, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори

**38-Қозиробод сайлов округи**
**Мирджавхаров Асомиддин Джалалович,** 1960 йилда туғилган, «Ўзэлектркабельсавдо» ОАЖ фирмасининг бош директори

**39-Қатортол сайлов округи**
**Акрамов Акмал Махмудович,** 1955 йилда туғилган, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири

**40-Кўтарма сайлов округи**
**Джумаев Норсаид Чориевич,** 1960 йилда туғилган, «Қурултой» хусусий фирмаси директори

**41-Машраб сайлов округи**
**Мухтаров Адил Позилович,** 1964 йилда туғилган, Чилонзор тумани товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси раиси

**42-Хайробод сайлов округи**
**Муталов Аманулла Нигматуллаевич,** 1949 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлари қўмитаси бўлим мудири

### Шайхонтоҳур тумани

**44-Фурқат сайлов округи**
**Шарапова Салима Мўминовна,** 1955 йилда туғилган, 224-мактаб директори

**45-Каттабоғ сайлов округи**
**Абдусаматов Анвар Абдулатипович,** 1966 йилда туғилган, Тошкент шаҳар 1-клиник касалхона урология бўлими мудири

**46-Гулобод сайлов округи**
**Азларов Турғун Рахматович,** 1953 йилда туғилган, Тошкент Ислом университети доценти

**47-Тинчлик сайлов округи**
**Уринбаев Тахирджон,** 1949 йилда туғилган, 2-Сергели бозори ОТАЖ бошқарув раиси

**48-Жарариқ сайлов округи**
**Нуритдинов Хайрулла Бокиджонович,** 1974 йилда туғилган, Ўзтелерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканалида сиёсий шарҳловчи

### Юнусобод тумани

**49-Минор сайлов округи**
**Акбарова Лазиза Аскаровна,** 1949 йилда туғилган, АКПО-Тарх-илмий ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси

**50-Мирза Юсуф сайлов округи**
**Ташходжаева Мохира Хашимовна,** 1955 йилда туғилган, 155-болалар боғчаси мудираси

**51-Уста Ширин сайлов округи**
**Назарова Гулчехра Гозиевна,** 1955 йилда туғилган, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори

**52-Туркистон сайлов округи**
**Саматов Хамидулла Зайдалиевич,** 1960 йилда туғилган, «Химреактивкомплект» ҳиссадорлик жамияти бош директори

**53-Уч Қаҳрамон сайлов округи**
**Бабаев Джахонгир Исмоилбекович,** 1976 йилда туғилган, Тошкент Давлат юридик институти «Камолот» жамғармаси раиси

**54-Мустақиллик сайлов округи**
**Назиров Абдуваси Халимович,** 1947 йилда туғилган, Тошкент Агротижорат коллежи директори

**55-Иттифоқ сайлов округи**
**Муталова Хатира,** 1943 йилда туғилган, «Турон» маҳалла хотин-қизлар Кенгаши раиси

**56-Отчопар сайлов округи**
**Исматова Мавлюда,** 1943 йилда туғилган, 273-лицей мактаб директори

### Яккасарой тумани

**57-Абдулла Қаҳҳор сайлов округи**
**Уразметов Давлатбай Рахимбаевич,** 1960 йилда туғилган, «Махсусмонтажсувқурилиш» трести ИТКБ муҳандиси

**59-Бўрижар сайлов округи**
**Абдуллаев Сагдулла Асадуллаевич,** 1945 йилда туғилган, К. Беҳзод номли миллий рассомчилик ва дизайнер институти ректори

**60-Ракат сайлов округи**
**Акбарова Рамида Темуровна,** 1952 йилда туғилган, Тошкент Давлат педагогика институти доценти

# КЕЛАЖАГИНГ УЧУН ОВОЗ БЕР, АЗИЗ ВАТАНДОШ!

## ЮЛДУЗХОННИНГ ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ



**Бугунги кунда юртимизда халқимизнинг севикли ва машҳур эстрада юлдузи, Ўзбекистон халқ артисти Юлдузхон Усмонова ижросидаги қўшиқларни мароқ билан тингламаган хонадоннинг ўзи йўқ. Унинг мафтункор овози қалбларни ўзига ром этиб келмоқда. Куни кеча «Тошқишлоқмаш»нинг Маданият саройида ногиронлар ва кам таъминланганлар учун Юлдузхон Усмонова ўзининг хайрия концертини берди. Уни бу ерга келган қўшиқ шинавандалари бутун концерт давомида қарсаклар билан олқишлаб турдилар.**

**Шу кезларда Юлдузхон Усмонова Олий Мажлис депутатлигига Фидокорлар Миллий демократик партиясидан кўрсатилган номзод сифатида ҳам одамлар билан учрашмоқда. Ўйлаймизки, у агар депутат этиб сайланиб қолгундек бўлса, Юлдузхон депутат сифатида ҳам энг яхши ишчанлик ва инсонийлик фазилатларини намоён этади.**

## *Минбар*

### Дильшод Ядгарович Исамитдинов



● ***Дильшод Ядгарович Исамитдинов «Шахсанам-Д» хусусий корхонаси бош раҳбари, 3-Абдулла Қодирий сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.***

Дильшод Исамитдинов Тошкент шаҳридаги Ойдин Собирова номли 106-ўрта мактабда ўқиган. Мактабда аъло баҳоларга ўқиб, жамоат ишларида фаол қатнашган, ўзининг хулқи билан устозлари ва дўстлари ҳурматини қозонган. У бокс бўйича спорт усталигига номзод.

1983 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Иқтисодиёт университети)нинг иқтисод-режа факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди.

Иш фаолиятини Акмал Икромов тумани умумий овқатланиш бошқармасида бошлаган. Сўнгра Тошкент вилоятига қарашли овқатланиш бошқармасида ҳисобчи, катта иқтисодчи, молия бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилган. 1988 йилдан «Зенит» маркази 1-шахобча бош раҳбари лавозимида, айни пайтда «Зенит» касаба уюшмасининг котиби вазифасида ишлади. Табиатан спорт билан шуғулланишга мойил бўлган Дильшод ёшларни ҳамиша жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этиб келган. «Соғ танда — соғлом ақл» нақлига амал қилади. Ҳамиша чин инсон бўлишга, одамларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилади.

Ана шундай сидқидилдан қилган меҳнатлари туфайли мустақиллигимизнинг 2 йиллиги муносабати билан ҳукуматимиз ташаккурномасини олган. 1996 йилдан «Шахсанам-Д» хусусий корхонасида бош раҳбар, Тошкент шаҳар Кенгаши аъзоси. Собир Раҳимов тумани Фидокорлар Миллий демократик партияси котиби.

Иқтисодиётнинг мамлакатимиз салоҳиятини оширишдаги аҳамиятини яхши англайди. Шу боис ҳам Фидокорлар партиясига аъзо бўлиб кирган.

Дильшод Исамитдиновнинг дастурида иқтисодий масалаларни ҳал этиш етакчи ўрин тутади. Яхши кўрган ва кўп такрорлайдиган сўзлари: «Халқимиз, миллатимиз дардига дармон бўлайлик!»

— Ҳозирги замон ёшлари, — дейди у, — энг бахтли авлод. Лекин ёшларни беэътибор қолдириб бўлмайди. Уларни касб-ҳунар эгаллашига, спорт билан шуғулланишларига кўмаклашишимиз керак. XXI асрда Ўзбекистон спорт соҳасида катта ютуқларга эришади. Боксчиларимизнинг муваффақиятлари, ўзбек курашининг Халқаро майдонга чиқаётгани ана шу шуҳратли кунлардан далолат бериб турибди. Спорт билан шуғулланган фарзандлар жасур ўғлонлар, она-Ватанимизнинг, истиқлолимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлиб етишади.

### Акромхон Ибрагимов



● ***Акромхон Ибрагимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси, 5-Ойбек сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.***

Акромхон Ибрагимов билан мулоқотимиз жуда самимий кечди. Қуйидаги савол ва жавоблар бунинг исботидир.

**— Сир эмаски, бугунги кун мавзуси албатта сайловларга келиб тақалади. Шундай бўлсада аввало икки оғиз ўзингиз ҳақингизда тўхталиб ўтсангиз.**

— Мен оддий хизматчи оиласида таваллуд топганман. Ёшликдан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилганман. Ўз мақсадимга эришдим. Бир қанча ҳуқуқий тизимларда фаолият кўрсатдим. Ҳозирда диёримиздаги энг ёш ҳаракатчан бўлган Фидокорлар Миллий демократик партияси аъзосиман.

**— Фидокорлар партиясининг дастурларидаги ишларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларида сизнинг ҳам иштирокингиз бўлса керак?**

— Мен аввалambor шуни айтиб ўтишни лозим деб биламанки, Фидокорлар партияси ўзининг ватан тараққиётида ва халқимизнинг фаровонлигини оширишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билади ва бу ишларни қандайдир манфаат кўзламаган ҳолда беғараз бажаради. Шу жумладан нафақат мен, балки партиямизнинг ҳар бир аъзоси ўзини халқимиз хизматига доимо шай фидокор деб билади. Фидокорлар партияси Юртбошимиз айтганларидек, фидойилик туйғуси асосида ташкил топган партиядир.

**— Энди сайловолди дастурида асосий эътибор бермоқчи бўлган масалаларга тўхталсангиз.**

— Касбим ҳуқуқшунос бўлганлиги туфайли аввалambor, қонун ва қонунчилигимизнинг устувор бўлиши, унинг ҳаётга тадбиқ этилишини амалга оширишда қуйидан юқоригача баббаробар ҳамманинг тенг ҳуқуқлилигини таъминланиши;

Иккинчидан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ва маданиятини оширишда;

Учинчидан, сиёсий онгини ривожлантиришда кўмаклашишни ўзимнинг олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Тўртинчидан, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари олдида турган муаммоларни шаҳар Кенгаши орқали Олий Мажлисга олиб чиқиш;

Бешинчидан, кўп фарзандли, кам таъминланган, ночор оилаларга уларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, мумкин қадар замон талаби доирасида ва бозор иқтисоди даражасидаги таъминотларга эришиш муаммоларини кўтариб чиқиш.

**— Сизнинг сайловчиларга тилакларингиз.**

— Сайловолди учрашувлари энг муҳим жараён ҳисобланади. Диёримиздаги бу сайлов анжумани тарихий воқеа сифатида зарҳал харфлар билан битилса арзийдиган воқелик деса бўлади. Бу сайловнинг яна бир хусусияти шуки, ҳеч қандай тазйиқларсиз, эркин ва адолат замирида олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам менинг сайловчиларга тилагим — фуқароларимизни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бирлари ўз номзодларига овоз беришда жуда катта масъулият билан ёндошсалар ва ўзларининг олдинда турган беш йиллик ҳаётининг қандай кечиши шу номзодларга боғлиқ эканини унутмасалар.

### Вахоб Хошимович Кучкоров



● ***Вахоб Хошимович Кучкоров, Тошкент Давлат университети қошидаги гимназия катта ўқитувчиси, 22-Иброҳим ота сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.***

Мамлакатимизда сайловлар, айтиш мумкинки, муҳим босқичга кирди. Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари қизигандан қизиб бораяпти.

Маълумки, депутат халқнинг виждони, миллатнинг дардига малҳам, оғирини енгил қилувчи ташаббускор, фидойи шахс бўлиши лозим. Демак, сизнинг номзодингиз бир оғиз сўз билан айтадиган бўлсак, давлат тараққиёти ва жамият фаровонлигини ўзининг асосий маслак ва мақсади қилиб олган шахс бўлиши лозим. Шу ўринда савол туғилади: хўш, мен депутат бўлсам нималарга эътибор қаратаман?

Сайловолди дастуримдаги асосий мақсадлардан бири қонун бирлиги ва устуворлиги, ҳуқуқий билимларни янада кенгроқ тарғиб этиш, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш тизимидаги масалалар, ёшларни иш билан таъминлаш, умуман, ёшлар муаммолари ва уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, оналар, кекса нуронийларнинг моддий-маънавий ҳамда иқтисодий таъминотига бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндошиш каби кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир.

Жамият тараққиётида ёш авлод таълим ва тарбияси алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, комил инсоний тарбиялаб етиштириш, ёш қалбда эзгулик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мактаб зиммасидадир. Мактабга, ёшлар таълим-тарбиясига бўлган муносабат келажакка бўлган муносабат демакдир. Табиийки, бу борада жаҳон андозалари талабига жавоб бера оладиган, фан-техника тараққиёти билан «гаплашадиган», «тил топишадиган» кадрларни тарбиялаб етиштириш орқали жамият салоҳиятини дунёга танитиш мумкин. Ҳозирги кунда маориф ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек талабаси дунё юзини кўрди. Жаҳон маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда. Бунда «Умид», «Устоз» каби жамғармалар сарварлик қилаяпти, академик лицей ва гимназиялар, чет эл ҳамкорлигидаги ўқув масканлари иш олиб бораяпти. Аммо ютуқлар билан бир қаторда келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган бўлғуси депутатлар фаолиятига муҳтож жараёнлар ҳам мавжуд. Ана шу масалаларга эътибор қаратиш бўлажак депутатнинг сиёсий вазифаларидан бири бўлиши лозим деб ўйлайман. Энди депутат озод ва обод, мустақил диёрнинг энг ишонган фарзанди, жамиятнинг барометри ҳисобланади. У жамиятда кундалик турмушимизда бўлаётган ўзгаришларни тез илғайдиган, зийрак, ташаббускор, маҳалла, кўча-кўй дарди билан яшайдиган, собитқадам, чаққон, шижоатли, камчиликлар, муммоларга муросасиз, юксак фазилатлар эгаси бўлиши лозим. Фидокорлар Миллий демократик партияси аъзолари, у кўрсатган номзодлар ана шундай ва ана шунга қодир инсонлардир. Уларни танласангиз, адашмайсиз.

## Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

◆ Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Суқротни айблади. Суқрот унга: «Агар мен хоҳласам сен каби яшашим мумкин, аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечиролмайсан!» — деди.

Бойлардан яна бири Суқротга: «Сен жуда камбағал ва қуруқ қўлсан» — деди. Суқрот эса унга: «Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг!» — деб жавоб берди.

◆ Тўғрилик одамни балодан қутқаради.

**«Жовидони хирод»дан.**

◆ *Ҳар кишига учта иш одат эрур,*
*Анга ҳамдан хуш саодат эрур.*
*Аввало эл айбини кўрган замон,*
*Очмагай оғзин маломатга шу он.*
*Ким агар кетса нотўғри йўл билан,*
*Тўғри йўлга бошла дарҳол қўл билан.*
*Солма асло ранж элнинг дастига,*
*Ўз юкинг қўйма бировнинг устига.*

**Фаридиддин АТТОР.**

◆ Луқмони ҳакимнинг келиб чиқиш ва нашъу намо топиши ҳақида тарихчилар ва тазкирачилар жуда кўп нарсалар ёзишган. Унинг табаррук сўзларидан қуйидагилар келтириладиким, у ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган эди:

— Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсингнинг кўйига кирма, уни қийнашни энг улуғ йўл деб бил, топганингга қаноат қил, керагидан ортиқча топишга интилма, таомдан очу, ҳикматдан тўқ бўл, одамларга кўполлик қилма, оғзингга нима келса гапираверма, ана шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенда йўқ сифатлар билан сени мақтаса алданма!

Эй ўғлим, нима гапирсанг ҳикмат ва насиҳатдан гапир, гапирган гапларингга аввало ўзинг амал қил, ўз касбинг ва мартабангга яраша гапир, одамларни ғазаб пайтида сина, дўстларни эса бошингга кулфат ва мусибат тушганда сина, доимо ёқимли ишларни амалга оширишга урин, гап гапирсанг дадил ва далил билан гапир, ёшлигингни ғанимат билиб, доно кишилар билан суҳбатда бўл, дўстларингни ҳурмат қил, одамларга очиқ юзлик билан боқ!

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ.**

◆ *Беақл бўлма ҳеч, беақл киши,*
*Оёқсиз қурт каби юриш-туриши.*
*Тўзишу, йўқ бўлиш бу нифоқдандир,*
*Ғалаба доимо иттифоқдандир.*
◆ *Нега ақли тезлар қилиб беҳушлик,*
*Нодонликдан қилди софолфурушлик.*
*Аммо таълим олиб нечалаб нодон,*
*Ҳоким бўлди етти иқлимга чунон.*
*Обиҳаёт сувин ичганинг замон,*
*Ўзни Ҳизр дея айлагин гумон.*

***Низомий ГАНЖАВИЙ.***

◆ Сержаҳл бошда ақл бўлмайди,

Ақлли киши одоб қоидаларини мукаммал ўрганишга интилади. Ақлсиз киши эса одобга амал қилмасликка интилади.

Ақлликка бир ишора кифоя.

◆ Ақл агар кўзга кўринувчи жисм бўлганда дунёни қоронғулик босмас эди.

Ақл билан одоб — жисм билан жон.

Ақл одамни яшнатади, нодонлик эса қақшатади.

◆ *Энг оғир дард — нодонлик.*
*Энг кучли хасталик — пасткашлик.*

Байт:

*Кўп оғир балодир ким бўлса нодон,*
*Нодон учун йўқдир дорию дармон!*

**«Аталар сўзлари»дан.**

◆ Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик умид қилиб бўлмайди ва ҳар қандай зўр овозли ва йўғон жуссаликдан қувват тама қилиш ноўриндир. Кўрганмисан, қамиш қанчалик йўғон бўлмасин барибир ингичка чўпдек синади, лайлакнинг қадди қанча катта ва баланд бўлмасин, бургут қўлида ожиз бўлиб қолади.

Байт:

*Мардлик кичиклигу йўғонликдамас,*
*Қара лайлак йўғон, бургут кичикдир!*

◆ Раҳм ва шафқат инсоннинг энг яхши фазилатларидан биридир. Раҳму шафқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзади, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туради.

*Ожизларга ёрдам қилмоқ улуғликни оширади,*
*Сулаймон ҳам назар қилгай эди доимо чумолига.*

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.**

◆ Бир куни улфатлар даврасида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда бир йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас экан, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан», — деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» — деб жавоб беришибди.

Байт:

*Дилраболар ошиқ аҳлин ўлдирур тош дил билан,*
*Лек қайта тиргизур хушхулқу, ширин тил билан!*
*Сен ғазаб бирла бирор филни енголмассан бироқ,*
*Бўлса юмшоқлик уни ром айлагунг бир қил билан!*

**ХУРРАМИЙ.**

***Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.***

*Донишмандлар хазинасидан*

# ҲОТАМНИНГ БИРИНЧИ САФАРИ

**(Давоми. Боши газетанинг 135-сонида).**

Энди икки калима сўзни Ҳотамдин эшитингким, йўлида ҳар турли махлуқлар учрар эрди, ҳаммаси парилар жинсидин эрдилар, ҳар хил сурат ва қиёфага кириб юрар эрканлар. Неча кунлар юриб икки йўл бошига етди, таваккални худойи-таоллога қилиб чап йўлга юрди. Уч-тўрт кун ўтди, бир гуруҳ ҳирсларга (айиқлар) йўлиқди, ўйнашиб юрур эрдилар. Алар ҳам парилардин эрдилар. Ҳотамни кўриб ўртага олдилар, суришиб бир жойға олиб бордиларким ҳирслар ҳадсиз-ҳисобсиз эрдилар. Юқорида бир ҳирс ўлтирибдур, ҳамма ҳирслар анга фармонбардордурлар. Ҳотам анга тавозъе билан салом айлаб, ундан жавоби саломни одамдин эшитгандек эшитди. Ҳотамни юқориға олиб одам дастурида дастурхон солиб, нознеъматлар тортдилар. Ҳотам оч эрди, хўб тўйди. Баъдаз дуойи фотиҳа бир жой муқаррар айлади, Ҳотам анда турди. Бул кеча ўтиб тонг отди, эрта билан туриб, Ҳотам кўриниш бериб дуо айлади. Подшоҳи ҳирс Ҳотамни ёниға ўтказиб меҳрибонликлар айлади. Дедиким эй жувон қайдин бўлурсан ва қаёнга борурсан, бу офатлиқ жойларга нечук қадам қўйдинг — деб сўради. Ҳотам подшоҳи ҳирсға махфий дедиким, эй шоҳ мен Яман вилоятидин бўлурман, мени Ҳотам ибн Шоҳ Тай дерлар, мен жонимни худо йўлида сарф этгандурман, — деб шаҳзода Мунир ва Ҳусния бонунинг етти шарт саволини ҳикоя айлади. Парилар таслимотлар айладилар. Подшоҳи ҳирс Ҳотамнинг иззатини яна баландроқ айлади.

Энди Моҳпарининг Ҳотам никоҳига киргонидин эшитингким, подшоҳи ҳирс меҳрибонлиқ юзасидан дедиким, эй Ҳотам, бизлар парилардин бўлурмиз, суратимизни ҳирс қиёфасига киритиб юрибдурмиз. Менинг бир қизим бордур, оти Моҳи паридур ҳусн-жамолда ва латофатда, фасоҳат ва рисоликда ани баробари бўлмагай. Ва яна паризодлар ичида ҳам бўлмағай. Ани қабул айлағил, никоҳингга киргизай, зеро ўзимдин пастларга бермоқни муносиб кўрмасман — деди. Ҳотам дилида айдиким, одамий билан пари нечун бўлғай-деб, фикрға толди.

Подшоҳ буюрдиким Ҳотамни олиб бориб Моҳпари қасрига элтинглар, базми жамол айлаб келсун дегач, уч-тўрт ҳирс Ҳотамни олиб юрдилар. Бу тоғнинг ул юзида бир бўстони бор эрди, Ҳотам кўрдики гулистони Эрамдин нишона бергай. Ҳар жойда кийма ва қиргоҳлар, сувлар оқиб турибдур, ҳар хил дарахтлар сарву санобар ва шамшод ва арарларнинг қадди-қомати тоғларга тенглашарди, ўртасида бир ҳавз бордур суви мусаффо ва шириндур, анинг олдида бир қасри ораста анинг юқорисига бир тахт қўйилган, Моҳ пари ул тахт устида, тахт атрофида ҳар хил паризодлар ўз жамоалари билан ҳам сухандурлар. Ҳотамни ул тахт олдиға олиб бордилар, шоҳ ҳукмини Моҳ парига еткурдилар. Моҳ пари ҳам юз хил карашма ва одоблар билан Ҳотамни қўлидин ушлаб тахт устиға олиб чиқиб меҳрибонликлар айлар эрди. Ҳар турлик созандалар соз чалардилар.

Алқисса бу навъ эъзозлар билан уч кеча-кундуз зиёфатлар қилиб суҳбат охириға етди. Хизматкорлар Ҳотамни эҳтиромлар билан шоҳнинг хизматига еткурдилар. Шоҳ кўрдиким Ҳотам Моҳ парининг воласи ва ошифтайи жамоли бўлибдур. Ҳотамнинг розилиғи билан парилар тўй бошладилар. Тўй ҳам анжомиға етди, ўз расмлари билан Моҳ парини Ҳотам никоҳиға киргиздилар. Ҳар икки толиби висоллар бир-бирларидин камёб бўлиб, лаззат шаҳвоний поёнига етди.

Анча муддатлар ўтди. Бир куни Ҳотамнинг ёдига шаҳзода Мунир билан Ҳусния бону тушди, ўзиға дедиким, Эй Ҳотам сен шунда айши ишрат қилурсан, ул ошиқлар эса йўлингга нигор-андадурлар, худойи таоллога нима жавоб берурсан — деб, Моҳ парига арз айладики, руҳсат бўлса боз худо йўлига киргаймен — деб, аҳволи қиссани баён қилди, Моҳ пари рози бўлиб, отасига арз айлади, шоҳ ҳам жавоб берди. Яна уч-тўрт кун ором олиб муддаонинг йўлиға тушмак бўлди. Моҳ пари Ҳотамға бир муҳра (узук) бердиким, анда кўп ҳосиятлар бор эрди, таъкидлар айлаб дедиким бу муҳрани асло ўзингдан жудо айлама, бунда кўп асарлар бордур. Агар ташна ва оч қолсанг, оғзингга солғайсан, қайнаб турган ёғ ичига, хумдон ичига ва дарёлар ичра ва яна ҳар хил офатлар ичра қолсанг бу муҳранинг баракоти билан омонда бўлгайсан, — деб насиҳатлар қилди. Моҳи пари бир неча парилар билан бир икки манзил ҳамроҳлиқ айлаб, дашти Ҳувайдо йўлиға солиб кузатдилар. Ҳотам қайтишда яна Моҳ пари хизматига келишга ваъда айлаб, парилар билан видолашиб йўлға равона бўлди.

Энди Ҳотамни аждаҳоларга, жодуларга ва бошқа аломатларга учраганидин эшитингким, Ҳотам парилар билан видолашгач, таваккални худойи-таоллога маҳкам қилиб борур эрди. Бир биёбониға туштики на бошини бор, на поёнини аёни бор, ҳаммаёқ қум ва жангалзорлардур. Сувдин асло асар йўқдур, худони ёд айлаб борур эрди, ул муҳрани баракотидин эрта-кеч юзига ниқоб тортган бир одам иккита иссиқ нон ва бир идишда сув етказур эрди. Ҳотам еб-ичиб худойи таоллога шукрлар айлаб борур эрди. Неча кундин сўнгра йироқдин бир тоғдек нимарса пайдо бўлди, яқин бориб кўрдики бир аждаҳо экан, ул Ҳотамни дамига тортди. Ҳотам ўзини устивор айлаёлмай аждаҳо комиға кетди ва то меъдасига бориб тўхтади, муҳранинг хосиятидин аждаҳо Ҳотамни ҳазм қилолмади. Ҳотам ҳушига келиб аждаҳонинг меъдаси ва ичакларини поймол айларга турди. Аждаҳо бетоқат бўлиб ул саҳронинг поёниға бориб Ҳотамни қайд қилиб, чиқариб ташлади ва ўз йўлига кетди. Ҳотам бир соатдин сўнгра ҳушига келиб, олло-таоллога санолар айтиб йўлга равона бўлди.

***Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.***

**(Давоми бор).**



**Бектемир туманидаги маиший хизмат уйининг модалар ательесида Санобар Курбонбоева 18 йилдан буён ўз касбига меҳр қўйиб, мижозларга сидқидилдан хизмат кўрсатмоқда.**

**СУРАТДА: С. Қурбонбоева дастгоҳи ёнида.**

**Усмон Усмонов олган сурат.**

# «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА



## ДУШАНБА, 29

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 Лирик тароналар.
9.15 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши:«Ўзбекистон табиати».
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Фикрлар бўлган экан». Мультфильм.
10.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.35 Кундузги сеанс: «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.35 Болалар учун «Севимли даргоҳ».
13.15 «Телевидение ва томошабин».
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 «Мукофот муборак!».Мусиқий дастур.1-қисм.
15.10 «Қувноқ стартлар».Телемусобақа.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Фирибгарнинг фириблари ёки бир жойда югуриш».Бадиий фильм.
17.25 «Маҳорат».
17.50 «Инжиқ Мурод».Мультфильм.
18.10 «Болаларга бахшида умр».
18.25 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».( рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловчи минбари».
21.25 «Муҳаббат соғинчи».Мусиқий дастур.
22.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.102-қисм.
22.50 «Маънавият» дастури.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Икки соҳил — икки тақдир». Бадиий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ II**

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Ким эпчил-у, ким чаққон?»,Мульттомоша)
18.35 «Дунёга йўл»
18.55 Мусиқий лаҳзалар
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Олтин мерос».
19.40 «Жараён» ҳуқуқий жамият сари
19.55 «Ёшлар» телеканалида
20.00 «Маслак ва мақсад». «Ватан тараққиёти» партияси.
19.30, 20.30, 21.00, 22.30 Эълонлар
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал
21.05 Миллионлар ўйини
21.20 Мен овоз бераман
21.25 «Қишлоқдаги тенгдошим»
21.45 «ТВ-саёҳат». Кўҳна Кармана
21.55 Мусиқий лаҳзалар
22:00 «Давр» . Ахборот дастури
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.50 «Тонг юлдузи».

**ЎзТВ III**

17.55 Кўрсатувлар дастури
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Телефакт».
19.15 Эфирда — «Ватан тараққиёти» партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 7-қисм.
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.25 , 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот»
21.05 «Эстрада концерти».
21.45 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.45 «Индаба». Телесериал. 13-серия.
23.10 «Спорт-тайм».
23.30 «Бумеранг».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ. «Ҳаёт ташвишлари».
01.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
01.50 Хайрли тун, шаҳрим.

**ЎзТВ IV**

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (Инглиз тилида).
16.40 «Тотли оғу».Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
*

**Р Д Т**

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси.(Австрия-Германия).
*

**ЎзТВ-IV**

18.50 «Вақт хазинасидан».
19.05 «Ўғрини ушла».Телесериал.
19.30 «Оламда нима гап?».Ахборот кўрсатуви.
19.35 «Соккер-клуб».

**Россия жамоат телевидениеси**

19.50 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.1-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.50 «Дил изҳори».
*
22.00 «Маҳфий хужжатлар».(X-files)
*
23.45 «ТВ-4да Немис тўлқини».
24:00 «Вести».
00.30 «Сиз кутган учрашув».
00.45 «Ахборот « (рус тилида)
01.10 Тунингиз осуда бўлсин.

**30-КАНАЛ**

**15.00 га қадар профилактика.**

15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал (Бразилия).
17.45 «Хит-коктейль».
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал (Мексика).
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Детектив сериал (Австралия).
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

**РЖТ**

6.00, 8.00 — «Хайрли тонг!».
7.40, 8.45, 12.15, 21.50 — «Сайловлар-99».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.55 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — «Аччиқ ҳақиқат». Сериал.
10.20 «Мўъжизалар майдони».
11.20 «Сиҳат-саломатлик».
11.45 Мультсеанс.
12.50 Олтин серия. «Саҳронинг оппоқ қуёши».
14.25 «Биргаликда» дастури.
15.20 Мультсериал премьераси.
15.40 «Таваккал, нима бўлса, бўлди».
16.00 «Юлдузли онлар».
16.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Жадаллаштирилган ёрдам».
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.00 «Биз ва давр».
19.50 Э. Радзинскийнинг муаллифлик дастури. «Распутин воқеаси». 1-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
22.00 «Маҳфий ҳужжатлар». Сериал.
23.45 «Нигоҳ».
00.25 Футбол шарҳи.
01.15 Тунги детектив. «Майк Хаммер: мудҳиш ов». Сериал.

**РДТ**

6.30—7.20 «Хайрли тонг, Россия!».
7.00, 8.00, 9.00, 13.00, 17.00, 19.00, 21.00, 01.00 — «Вести»
8.20, 00.10 — «Навбатчи қисм».
9.20, 10.00, 12.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
9.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.
10.10 «Лўли аёл». Телесериал.
11.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
12.00 «Кўзгу».
13.25 «Рус лотоси».
14.10 «Антонелла». Телесериал.
15.10 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
16.00, 01.20 — «Дивандаги дўкон».
16.30 Мультфильмлар.
17.25 «Минора».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.35 «Давра йили» Сиёсий теледебатлар.
20.00 «Халқ билишни хоҳлайди». Публицистик ток-шоу.
20.20 «Оқ тўти» клуби.
21.50 Москвада юксак модалар ҳафталиги». «Россия» Давлат Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади.
00.30 «Крейзи». Қисқа метражли бадиий фильм.

**ТВ-6**

8.50, 15.05 — «Кундан-кунга».
10.40, 20.20, 00.45, 02.15 — «Йўл назорати».
11.00, 15.00, 17.00, 01.00 — Янгиликлар
11.05 «Бемаъни лойиҳа».
11.20 «Оила-2000».
11.55 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.
13.00, 01.15 — «ЦитаДЕНЬ».
13.05 «Ҳафта можаролари».
13.35 «Обоз».
14.25 Спорт янгиликлари.
17.05, 18.35 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
17.20 «Сирли қудрат» теледўкони.
17.30 «Оддий Мария». Сериал.
18.20 «Қисқача курс».
18.45 «Сифат белгиси».
19.00 «Избир. сом».
19.10 «Вильгельм Телл ҳақида афсона». Сериал.
19.45, 01.40 — «Диск-канал».
20.35 «Амба-ТВ». Ҳажвий шоу.
21.00 «Полинезия саргузаштлари». Сериал.
22.00 Шу куннинг янгиликлари.
22.25 «Учрашув жойи» А. Шарапова билан.
22.50 «Сиз — шоҳидсиз» И. Усачов билан.
23.40 «Пси-фактор». Сериал.
01.20 «Чайка-99».
02.25-03.35 Тунги сеанс. «Бир бирига муносиб».

**(Давоми кейинги сонда).**


# ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ИДАТ «АСАКА» банки Сизга қуйидаги хизматларни тақдим этади:

1) аҳоли омонатлари бўйича оширилган фоиз ставкаларини:

| Омонатлар тури | 1.11.99 йилдан % ставкалари | Бекор қилинган % ставкалари |
|---|---|---|
| Талаб қилиб олгунча | йиллик 14 % | йиллик 5 % |
| «ОРЗУ» (3 ойдан кам бўлмаган муддат билан) | ҳар ойда 2,5 % | ҳар ойда 2,5 % |
| Муддатли: | | |
| — 6 ойдан 1 йилгача | йиллик 30 % | йиллик 20 % |
| — 1 йилдан 3 йилгача | йиллик 35 % | йиллик 30 % |
| — 3 йилдан 5 йилгача | йиллик 50 % | йиллик 40 % |
| — 5 йилдан ортиқ муддат билан | йиллик 50 % | йиллик 50 % |

2) фоизларни ҳар ойда ҳисоблаб ва уларни ҳисоб рақамлардаги қолдиқларга қўшиш билан 34 % йиллик ставкадаги депозит пластик карточкаларни. Ўз омонат маблағларингизни тез ва исталган вақтингизда олишингиз мумкин.

ASAKA BANK

700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67
Тел.: (371) 120-83-911, 120-83-92, 120-83-82
Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва ҳамма вилоят марказларида


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**ЯНГИ ИШГА ТУШИРИЛАЁТГАН УЙНИНГ ҲУРМАТЛИ ХОНАДОН ЭГАЛАРИ!**

Янги ишга туширилаётган уйларнинг иситилишини ва иссиқ сув таъминотини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида ҳар бир хонадон эгасидан «Тошиссиққуввати» ИЧБ билан шартнома тузишни ва иссиқлик узатиш муддатини белгилашни сўраймиз, бунинг учун қуйидаги алоқа телефонлари орқали бирлашманинг туман бошқармаларига мурожаат қилишингиз керак:

| | | |
|---|---|---|
| Миробод ТБ | — | 191-80-95 |
| Чилонзор ТБ | — | 78-40-12 |
| Мирзо-Улуғбек ТБ | — | 67-27-71, 67-89-27 |
| Шайхонтоҳур ТБ | — | 42-76-69 |
| Юнусобод ТБ | — | 21-21-57 |
| Яккасарой ТБ | — | 55-71-81 |
| Сирғали ТБ | — | 58-09-95 |
| Собир Раҳимов ТБ | — | 48-75-25 |
| Ҳамза ТБ | — | 96-35-02 |
| Акмал Икромов ТБ | — | 75-05-73 |
| Бектемир ТБ | — | 195-03-14 |

**Иссиқлик бериш вақтида хонадонларни сув босишига йўл қўймаслик учун ҳар бир хонадон эгаларининг бўлиши зарурдир.**

Тошкент шаҳар статистика давлат департаменти томонидан Тошкент шаҳрини газлаштириш ва газ билан таъминлаш бошқармасини Давлат регистрига киритилганлиги тўғрисида 1998 йил 16 сентябрида берилган 2308-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Собир Раҳимов туманидаги «Amir — Yosib» масъулияти чекланган жамият
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: 96-41-09.


Тошкент шаҳар Давлат солиқ Бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари Фармон Расулович Насретдиновга онаси

**Матлуба ая ҚОРАБОЕВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.


**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 209**

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

***«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.***

Буюртма Г-0902. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6